




ТАДБИРКОРЛИК АЁЛЛАРГА ХОС

“Меҳнатнинг юзага
чиқиши учун ён-атро-
финдагилар эътирофи
асқотаркан”

3

ПАКИШЛАР — КУЛОЛ ҚАЛБИ- НИНГ ЖИЛОСИ



4

ОИЛАНИНГ УСТУНИ КИМ?

ёхуд фарзанд
тарбиясида
отанинг
ўрни
ҳақида


5

ЎЗБЕКОНА ҲИММАТ ёхуд унутилмас удумларимиз



6

УЛЛИБИНИНГ УМРБОКИЙ ҚЎШИҒИ



7


БАРЧАСИ — ЯРАТИЛАЁТГАН Ҳунарли хор бўлмас

ИМКОНИЯТ МАҲСУЛИ

У уюм ёғочларни рандалар, уларга дид билан ишлов бераётган отасига қараб ишдан завқланганча, ўзи ҳам нималарнидир ясашга киришиб кетарди. Ана шу болалик ҳаваси Абдураимни дурадгорлик билан шуғулланишига ундади.

Абдураим Тўрахжаев ота касбининг, аждодлари хунарининг мохир устаси. Бу хонадонга ёш йигитни сўраб келувчилар кўп. Ахир, иморатни қуриб, ёғочдан безак бериш масаласида қаҳрамонимизнинг маҳоратини кўпчилик яхши билади. Эндигина 26 ёшга тўлган Абдураим 6 синфдалигида илк маҳсулотини ясаб, бозорга олиб чиққан. Албатта, бунгача минг чиғирикдан ўтиб, шу хунар ичида пишган. Отаси Абдуғани ака ўғлидаги меҳнатга ва хунарга қизиқишни кўриб, уни ўз ёнига олди. Ишондики, ўғли касбининг муносиб давомчиси бўлади.

— Илк маҳсулотимни сотганимда, топган пулимни онамга берганим ҳеч ёдимдан чиқмайди, — дейди ёш уста Абдураим. — Фахрланиб, хунарамандларнинг тўртинчи авлодидан десам бўлади. Бобом Анвархўжа ҳам шу хунарининг устаси бўлган. Ана шундай мукамал устозлардан хунар ўрганибгина қолмай, ўз ишимдан завқланишни, ҳалол меҳнат ортдан яшашни ўргандим. Дурадгор ёғоч билан ишлайди, уни шаклга келтириш, тўғрилаш кунт ва меҳнатни талаб этадиган жараён. Асосан, уйга мос жиҳозларни, нақшинкор панжаралар, эшиклар ясайман. Ҳозир бу маҳсулотларга талаб катта, чулки, азалдан хонадонларимизда бежирим услубдаги ёғоч эшиклар, деразалар бор.



Уларнинг безаклари ҳам эътибор тортар.

Дарҳақиқат, ёғочдан ясалган маҳсулотларни танлаганда айримлар ёғочнинг мустаҳкамлигига эътибор беришса, бошқалар унинг нақшларига қизиқишади. Уста хунараманд учун эса ҳам гўзаллик, ҳам сифат бўлиши муҳим.

— Ёғочнинг ҳам нархи ҳар хил бўлади, — дейди қаҳрамонимиз нақшлар билан безатилган кутини қўлига олганча. — Мана бу кутини ёғоч дарахтидан ишланган. Дурадгор уни кутини шаклга келтиради, ёғоч ўймақори эса унга безак беради. Шу сабаб ҳам дурадгор ёғочни тўғри танлай билиши муҳим. Ёғоч дарахтининг ёғоч қиммат бўлади, чинор ва қайрағочларники нисбатан арзон. Бунга сабаб ёғоч бошқа дарахтларга нисбатан чиройли: чизиқла-

ри камроқ ва бақувват. Сотилаётган маҳсулотга меҳнат ва сарфланган маблағ инобатга олиниб, нарх қўйилади.

Жуда эрта даромад топишни бошлаган Абдураим бугун истиқлолимиз сабаб ёшларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Ахир, ҳалол ризқ топиш, эртаю кеч шу ишга берилиш осон эмас.

— Хунар шундайки, ишласангиз даромад олаверасиз. Маса, лан, битта зина панжарани ярим кунда ясаб бўлман, кутини ясаганга икки кун кетади. Қилган ишимга яраша ойда бир неча юз минг топишим мумкин. Аммо, буни хунар дейишади, баъзан даромад ололмаган вақт ҳам бўлади. Буюртмага, бозорнинг талабига қараб маҳсулот тайёрлаймиз. Бу соҳада ишлаётганимга ҳам 10 йил бўлди.

Оилада Абдураимдан ташқари акаси Абдурасул заргар, укаси Абдурахмон хунараманд. Бу оилага кириб келаётган даромад қилинаётган меҳнатнинг маҳсулидир. Қаҳрамонимиз, тенгдошларига ҳам ўз хунарининг сирини ўргатмоқда. Ёш бўлса-да, тадбиркорлик билан шуғулланиб, пойтахтимиздаги кўплаб бежирим уйларнинг хуснига-хусн қўшаётган зиналарни ясада унинг ҳиссаси катта. Келажақда катта-катта иншоотларда ҳам Абдураимнинг қўли билан яратилган хунарамандчилик маҳсулотларини кўрсак, ажаб эмас.

Камола АДАШБОВА

Тадбир

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР МУҲОКАМАСИ

Миллий матбуот марказида “Маҳалла-ларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қулай иш шaroитларини яратиш борасида амалга ошириладиган ишлар, эришилган ютуқ ва муаммолар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган тадбирда ҳамкорлар, маҳалла фаоллари ва журналистлар иштирок этишди.

Анжуманда аҳоли орасида миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз фуқаролар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда услубий-амалий ёрдам кўрсатиш борасида ишлар олиб бориладиган таъкидланди. 2015 йили 650 дан ортиқ фуқаролар йиғинининг биноси таъмирланди, 142 таси реконструкция қилинди, 122 таси янгидан қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, улар 664 компьютер жамланмаси, 1926 мебель жиҳозлари билан таъминланган бўлса, ёшларни спортга жалб этиш ва бўш вақтини унумли ташкил этиш мақсадида 318 та болалар майдончаси таъмирланди, 84 таси намунавий лойиҳа асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган ҳақида маълумот берилди.

“Оилавий-хуқуқий муносабатлар” ва “Оилада маънавий-ахлоқий тарбия” номи оммабоп рисола, “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги, “Ота-оналар университети” маслаҳат марказлари, ҳамда, фонд томонидан маҳалла фаолиятини такомиллаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида услубий қўлланмалар, ўқув семинар, спорт тадбирлари ўтказиладиган хусусида сўз юритилди.

Нозима ЭРНАЗАРОВА

УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК

Болаларнинг соғлом ўсишига таъсир кўрсатмоқда

Маълумки, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди болаларнинг саломатлигини тиклаш, уларнинг хорижда даволашнилари учун имконият яратиш мақсадида қатор ишларни амалга оширмоқда.

АҚШнинг “Resource and Policy Exchange” халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг “Junior Chamber International – JCI” ва Ча университетини қoшидаги Пундан Ча госпитали, Ин Ха университети госпитали, Сингапурнинг “Smile Asia” хайрия ташкилоти, Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти ва бошқа халқаро муассасалар билан қатор лойиҳаларни амалга оширадиган мазкур ташкилотнинг бугунги кундаги фаолияти кун сайин ривож топиб бормоқда. Жумладан, ногирон, туғма нуқсонли болаларнинг хорижда даволаниши, шунингдек, уларни соғломлаштириш, дори-дармон, техника воситалари билан таъминлаш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Энг муҳими, 2002 йил “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти томонидан уч томонлама ҳамкорлик битими тузилганди. Унга кўра 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болалар даволанади ва реабилитация қилинади. 2012 йилнинг шу кунига қадар 300 бемор бола терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан оғирганлар Германия клиникаларида даволанишди.

Яқинда Тошкент халқаро аэропортида 11 нафар бемор бола Германия клиникаларида даволаниш учун жўнаб кетишди. Улар 6 ойдан 3 йилга қадар бўлган мuddатда даволанишади. Кузатувга ҳамоханг тарзда ана шундай соғломлаштирилган болалар Германияда юртимизга қайтиб келишди.

Маматисоқ ПАЗИЛОВ

ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида кўпгина қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорига айланадилар. Шу билан бирга сир эмаски, 1 март Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхонимнинг таваллуд топган куни юртдошларимиз орасида кенг нишонланиши, мушоира кечалари ташкиллаштирилиши анъана тусига кирган.

Бу каби эътиромни давом эттириш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб этиш мақсадида Шайхонтохур туманидаги 254-мактабда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг “Обод юртининг бахтли қизлари” мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Ёшлар даврасини камраб олган тадбирда Зулфия мукофоти учун ўтказиладиган танловларга қўйиладиган талаблар, мукофотнинг моҳияти, совриндорлар билан бугунги кунда олиб бориладиган ишлар, ёш иқтидорли қизлар сафини кенгайтириш ҳамда истеъдод қирраларини намойён этиш борасида сўз борди.

Ёш авлод учун яратиб бериладиган шароит ҳамда имкониятлардан унумли фойдаланиб келаётган шижоатли қизлар ўзларининг ижод намуналарини тақдим этиб, Зулфияхоним қаламига мансуб гўзал шеърларини айтдилар. Иштирок этганларга мукофот доирасида ўзининг аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намойён қилиб келаётган иқтидорли қизлар голибликни қўлга киритгач, ўзлари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юрталарига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниши имкониятига эга бўлишлари ҳақида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ширинхон МҲМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири

Кейинги йилларда солиқ қонунчилиги соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шaroитлар яратишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кенг йўл очмоқда.

ФАРОВОН ТУРМУШ САРИ

Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан “Тадбиркорлик ривож — фаровонлик гарови” мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ундан мақсад солиқ қонунчилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

— Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди, — дейди Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси Камерал-назорат бўлими бошлиғи Бахтиёр Ибрагимов. — Шунингдек, боғжона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (боғжона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисобига микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида жорий йилда 58,4 млрд.сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ қонунчилигига киритиладиган бундай янгиликлар аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга катта имконият яратиши.

Ифтихор СИДДИҚОВ

Тадбир

ВАТАННИ ЯШНАТАР СОҒЛОМ НАСЛЛАР

2016 йил — Соғлом она ва бола йили


ва, Ўғилой Гофурова патронаж хамширалардан Озода-хон Тўраҳўжаева, Қимматхон Ҳалимова, Розахон Абдулла-

ҳам юқори босқичга кўтарди.

— Дарҳақиқат, амалдаги «Соғлом она ва бола йили»нинг соғлом халқ, соғлом миллат яратилди улуғ вазибалари яхши ният билан фарзанд ўстираётган оналарни хушёрликка ундайди, — дейди педиатр Қаноатхон Юсупова. — Жисми-миз, жонимизнинг бир парчаси бўлмиш азиз ўғлон ва қизларни тарбиялаётган оналар эса ана шу йилнинг йўлларида энг фидойи йўлчиларидир. Зеро, оналаримиз учун фарзанд тарбияси — энг муқаддас мақсаддир. Шу мақсадда режа-тадбирларимизни янада кенгайтириб, хонадонларга кириб бориб тарғибот тушунтириш тадбирларини мунтазам олиб бораёғимиз. Мақсадимиз эса битта — авлодларнинг баркамол, тўрт му-часи соғлом бўлишини таъминлаш. Юртимиздаги тиббий ислохотлар, хотин-қизларга бўлган эътибор туфайли бу мақсадларга эришяғимиз.

Мадаминжон
СОЛИХОНОВ

Абдуҳаким РАҲМОНОВ
олган суратлар.



мизнинг тиббий маданиятини ошириш, эрта турмушнинг олдини олиш, туғиш ёшидаги ва ёш болали аёллар соғлигини муҳофаза қилиш борасида поликлиника ходимлари пухта чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Умумий амалиёт шифокорлари Ҳалимаҳон Қориёева, Махфузаҳон Абдуваҳоб-

жонов, Марғубахон Юсупова, Лолахон Жўрабоева хотин-қизларга тиббий ёрдам кўрсатишда астойдил фаоллик кўрсатмоқдалар. Бошланган йилимизнинг «Соғлом она ва бола йили» деб номланиши шифокорлар зиммасига масъулият юклаши билан бир қаторда самарали тадбирларни сифат жиҳатидан

Соғлом бола — оила қувончи. Соғлом авлодни тарбиялаш ота-оналарнинг зиммасидаги энг асосий вазифа экани кўп таъкидланаётгани ҳам бежиз эмас. Соғлом бола жамият умиди. Унга боқиб, эртанги кун тасаввур этилади. Мухтарам Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади» деганди.

Бу мавзуга чуқурроқ қира-ётиб, оналаримизнинг, шифокорларимизнинг, мураббийларимизнинг масъулиятини яна бир бор англаб етмоқдамиз. Айниқса, она ва бола саломатлигини асраш билан боғлиқ дастурларнинг

қабул қилингани тиббий муҳофаза масалаларини янги босқичга кўтарди. Марғилон шаҳридаги 6-оилавий поликлиникада ҳам бу жараён ниҳоятда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, шифокор-педиатр Қаноатхон Юсупова фарзанд камолотида онанинг масъулияти, бола парваришидаги эътибор, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги тавсия ва маслаҳатларини ёш оналар билан ўртоқлашишдан чарчамайди. Айниқса, коллеж битирувчилари билан ўзаро суҳбатларда шифокор эрта никоҳнинг салбий оқибатларини атрофича мисоллар билан тушунтириши натижасида ўқувчи қизлар тегишли хулосаларга эга бўлмоқдалар. Айни пайтда поликлиника тасарруфидаги ҳудудда жами 30967 аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 14712 нафари аёллардир. Опа-сингиллари-

ТАДБИРКОРЛИК АЁЛЛАРГА ХОС

— дейди пискентлик Замира ая Қодирова

Тадбиркор аёлнинг рўзғори бут, rischi улуг бўлади, дейишади кексаларимиз. Бу гап тагида рўзғорда борини бордек кўрсатадиганга нисбат бор, назаримда. Ҳақиқатан ҳам, замон талабига монанд яшаётган тадбиркор аёлларимизни орамизда кўлаб топиш мумкин. Замира ая Қодирова ана шу изланувчан аёллар қаторидан ўрин олган десак, му-болага бўлмайди.

— Аёлнинг кирралари неча ёшда бўлса ҳам кашф этиларкан, — дейди Замира опа мулоимлик билан. — Кичик келиним Дилноза-хоннинг рўзғорини бўлак қилаётганимда кўнглимга бир фикр келди. Ахир, у моҳир чевар бўлса, рўзғори бошқа бўлиб, қийналиб қолмас-микан, деган хаёлга бордим. Яхшиси, улардан бўшаган хонага тикув машиналарини оламиз-у, оилавий корхона ташкил этиб, тикувчиликни йўлга қўямиз, деган тўхтамга келдим. Турмуш ўртоғимга маслаҳат солсам, кўлаб-қувватлади. Ўтган йили февраль ойида тадбиркорлик рўйхатидан ўтиб, олтита тикув машинасида иш бошлаб юбордик. Меҳнатнинг юзага чиқиши учун ён-атрофиндагилар эътибори асқотаркан. Қилган ишларимиз билан пойтахтдаги кўргазмалардан бирига таклиф қилишди.

Шу кундан турли ҳудудлардан буюртмалар келиб туша бошлади. Масалан, Олмалиқ шаҳар туғруқхонаси ва шифо-хонасида тўрт хил бичимдаги халатлар билан бирга чойшаб-лар, кўрпа-ёстиқларга, Чирчиқ шаҳар ва ўзимизнинг туман бо-

Замондошларимиз

маҳсулотларидан фойдаланамиз. Шунингдек, хотин-қизларимиз учун кўйлак-лозимлар, халатлар тикамиз. Бир сўз билан айтганда, 12 турдаги маҳсулотларни тайёрлаймиз. Мақсадимиз — янада кўпроқ ишчи ўрни яратиб, маҳалламиздаги келин-қизларни иш билан банд этиш.

Суҳбат орасида ая ёш келинлик чоғларидан сўз очди. — Бу хонадонга келин бўлиб тушганимга ҳам 35 йилдан ошибди. Қайнона-қайноталарим кишлоқнинг содда, оддийгина одамларидан бири бўлган. Турмуш ўртоғим Абдували акангиз тўққиз фарзанднинг тўнғичи эди. Кичик қайнукам эндигина икки ёшга тўлган, катта рўзғорнинг эса ками кўп эди. Ўзим ҳамшира бўлиб ишлайман денг. Ишдан бўшаган чоғим далага шайланаман. Кетмон қолиқ борми, пахта ўтоқми барига ўзим чопардим. Акангиз шофёр бўлиб ишлаб, рўзғорни камини бутларди. Хуллас, мақтанишга йўлмангу биздан кейинги фарзандларни уйли-жойли қилишда иккимиз бош қош бўлиб, ота-онамизнинг ишончларини оқладик. Гоҳида ўйлаб қоламан, умримизнинг деярли барча қисми меҳнат билан ўтибди. Шундан бўлса керак, тўрт фарзандимиз ҳам меҳнатда тоб-

ланганлари ҳар бир қадамда билинади. Ишонсангиз тўртовчи ҳам нуфузли олий ўқув юртларида ўқишлари билан бирга ҳафталик таъминотларини ўзлари таъминлашарди. Пишиқ-пукта бўлганликлари учун ҳозирда турмушлари тўқин, яхши ишларда ишлашмоқда. Ўн бир набирамиз бор. Барча қилаётган эзгу ишларимизнинг бир мақсади бор. Фарзандларим бундан-да яхши яшасин, набираларим ҳам келажакда ўз ўринларига эга бўлишсин. Ва мен бошлаган тадбиркорликни янада кенгайтириб давом эттиришса дейман. Бошлаган ишимизда катта келиним Дилфузахоннинг ўрни катта. Унга қарасам ёшлигим ёдимга тушиб кетади. Гоҳида бўлса-да, қизларим Умида, Осуда ҳам қўмаклашиб туришди. Яратганга шукр ниятларим ижобат бўлди.

Замира опа нафақат маҳаллада шунингдек, туманда ҳам ўз ўрнини топанлардан бири. Туман «Қизил ярим ой» жамиятининг ҳамшираси бўлиб узок йиллардан бери фаолият юритади. Гарчи опа ҳозирда нафақада бўлса-да, ишини ҳам давом эттириб 12 нафар ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиш билан бирга ўз моддий таъминотидан ёрдам ҳам бериб келади. Яна бир гап, маҳалладаги 18-болалар богчасини тугатилиши муносабати билан хусу-сийлаштириш мақсадида таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Насиб қилса, баҳорнинг илк кун маҳалланing ўттиздан ортиқ болалари яна богча кучоғига қайтишади.

Тадбиркор аёл ўзининг оилада ва жамиятда ўрнини топиш учун доимий изланишда. Замира опадек фидойи ва меҳнаткаш опаларимизнинг ибратли ишлари барча-мизга намуна бўлгусидир.

Нигора УРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири

Ҳар гал уларнинг даврасига бирор бир мутахассисни бошлаб кирар эканман, уларнинг нигоҳидаги қизиқишни, билиш истагини ҳис қиламан. Ана шу сезги мени яна ва яна изланишга, улар учун кўпроқ вақт ажратишга ундайди. Гап Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда ташкил қилинган «Ёш оила қувувчилар» тўғраги тингловчилари ҳақида.

ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ




Бу тўғрақ «Соғлом она ва бола йили» доирасида ташкил этилган. Тўғрагимизга ўқувчи қизлар билан бирга йигитлар ҳам жалб қилинган. Биз тўғрақ машғулотларини бошлашдан аввал ўқувчиларимизнинг талаб ва истақларини ўргандик. Эртага оила соҳибу соҳибалари бўладиган бу ёшларни ҳаётнинг қайси жиҳатлари қизиқтиради? Шу савол изидан юриб, ўқувчиларимизни музей, театр ва кинотеатрларга олиб бордик. Улар: «Ота-боболаримиз қандай қадр топган?», «Бахт калити нимада?», «Ёшлиқнинг кўрки қандай яралади?» каби саволларга жавоб топдилар.

камдаги қуш» каби бадий фильмлар иҳодкорлари билан учрашувлар ўтказдик. Фильмлар намойишидан сўнг улардаги воқеаларни таҳлил қилдик. Бир сўз билан айтганда, «Ёш оила қувувчи»ларимиз, машғулотдан машғулотта маънавий, тиббий билимларини чуқурлаштириб бормоқда.

Зебо ИНОЯТОВА,
Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқитувчиси, «Ёш оила қувувчилар» тўғраги раҳбари

Ижодкор иши унинг қалби аксидир: у яратётган ижод намунасини қанчалик безамасин, барибир кўнглидаги ўй-кечинмалари унда намоён бўлаверади. Биз Бухоро вилоятининг Гиждувон кулолчилик мактаби вакили Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Алишер Нарзуллаев билан суҳбат чоғида ана шу фикримизнинг яна бир бор тасдиғини топдик.

НАҚШЛАР — КУЛОЛ ҚАЛБИНИНГ ЖИЛОСИ



— Эшитишимизча, бобонгиздан камгина кулолчилик дастдохлари қолган экан. Бу хунарни мукамал ўрганиш учун эса улар жуда керакли. Ўргатадиган, ўрганадиган бирор дастдох йўқ, ота-боболар усулини ўзлаштириш осон кечмагандир?

— Кулолчиликни тахминан 6-7 ёшлигимда бошлаганман. Дастлаб ўйин-ўйин билан буюм ясаб юрардим, кейинчалик дастёр бўлиб қоларкансиз: бобом ясаган нарсаларни куришти, кейин лой тайёрлаш керак. Фарзандларим ҳам худди шундай, бошида мен каби ҳаваскор эди, орадан вақт ўтиб, ўз йўналишини топди. Ота касби баракали, дейди-ку! Улар касбимизни давом эттиришяпти. Фарзандларим олий маълумотли. Кичик ўғлим профессионал кулол, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кулолчилик факультетини тугатган. У ажойиб устозлардан сабоқ олган. Асарларида анъанавийлик ва замонавийлик муассамлашган.

Бундан 25 йиллар олдин кимдир шундай кунлар келади, деса ишончи жуда мушкул эди. 1982 йиллари отамга бир ноҳўя савол бердим: "Ота, кечаю кундуз ишлаймиз, анча ишлар тўпланиб қолган, лекин харидор йўқ". Шунда отам: "Бундай кетиши мумкин эмас, бир кун бизнинг сўрайдиган замон келади", дедилар. Мана мендек оддий бир кулол жаҳонгашта бўлиб, миллий хунаремандчилик анъаналарини дунёга танитмоқда. Мана шу меҳнат орқасидан халқаро мукофотларга сазовор бўлдим. "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" унвонини Президентимизнинг қўлларидан олиш бахти насиб қилган менга. Биласизми, бу оддий уста учун жуда катта мукофот.

— Мамакатимиздаги кулолчилик мактабларидан доврўги дунёга кетган.

Гиждувон кулолчилик мактабининг ўзига хослиги нимада? Фарғона, Кўкон кулолчилик мактабларидан фарқли жиҳатлари нималарда кўринади?

— Бизнинг кулолчилик мактабимиз ўзининг шакли, нақшлари, ранглари билан бошқа кулолчилик мактабларидан фарқ қилади. Умуман олганда, ҳар бир рассомнинг ўз услуби бўлгани каби ҳар бир жойнинг ўз тупроғи бор. Тупроқнинг хусусиятларини билиш, шунга қараб сув сепиш, пиштириш зарур. Аҳамият берсангиз, Бухоро тупроғи Фарғонаникига қараганда бирмунча қуруқ. Демак, сувни кўпроқ талаб қилади. Бу энг асосий хусусиятларидан бири.

— Шогирдларингиз кўпми? Бугун ахборот асарида мазкур соҳага қизиқувчилар сони камайиб бораётгандек, назаримда.

— Шогирдлар... бир ҳафта, 10 кун, ёки бир ой давомида ҳам кулолчиликни ўрганувчилар бўлган. Лекин бу соҳани чуқур ўрганама, деган устага 20 йил ҳам кам. Ҳар бир соҳани қай даражада кунт билан ўргана бошласангиз, шунчалик билимлар ва кўникмалар чуқурлашиб бораверади. Чет элдан келатган ихлосмандларнинг борлиги бизни қувонтирмай қўймайди. Турли касб вакиллари бўлишига қарамай, кулолчиликни, айнан миллий безакли хунаремандчилик буюмларимизни ясашни, унга безак беришни ўрганиб кетишади. Мисол тарзида айтишим мумкин, яқинда Қаснодар шахридан эр-хотин кулолчиликни ўргатинг, деб келишди. Эри архитектор, аёли дизайнер экан. Ўзбекистонга саёҳатлари тўғрисида биз ҳақдаги маълумотларни интернет саҳифаларидан топиб, бир ҳафта чархга ўтириб, лой ясашни ўрганиб кетишди. Шундан ҳам билиш мумкин-

ки, одамларнинг ҳали-ҳануз мазкур соҳага эҳтиёжи бор.

— Шогирдлар билан тил топишиш осон кечмаса керак? Ҳар ҳолда, уларнинг талай қисми чет эллик сайёҳларни ташкил этар экан?

— Тил билган хор бўлмас, деган нақл бор, мен ҳам айнан шу нақлга амал қиламан. Ўқиш фаолияти давомида инглиз, рус тилларини ўрганганман ва бу менга ҳамиша қўл келган. Ўтган йили февралда Германиядан икки киз 12 кун давомида хуна ўрганишган. Улар ясаган буюм чунонам гўзалки, қараб кўзингиз тўймайди. Бор-йўғи икки ҳафтадан камроқ турган эса-да, кўрсатмаларни пухта ўзлаштирди. Уларнинг яратган ишларига қараб, кўнглининг тозаллигини, беғуборлигини билиш мумкин. Демак,

ижодкорнинг қалби у яратган асарларда ўз аксини қолдиради. Ҳозиргача уй-музейимизда ўша кулолчилик намуналари сақланиб келинади.

— Меҳнаткаш одамга тўсиқ йўқ, дейишадилар. Бошқа хуналарга уқувингиз қандай?

— Асли банк соҳасида ўқиб, 3 йил давомида Тошкентда ишлаганман. Лекин баъридан ота касбини давом эттириш масъулияти ҳамда хоҳиш баланд келди. Оилали бўлганимдан сўнг Гиждувонга қайтдим, ота касбини давом эттирдим. Лекин банк соҳасида ҳам озми, кўпми фаолиятимни олиб борама.

— Гиждувон кулолчилик мактабининг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?

— 6 — 7-авлод сифатида бугун Гиждувон кулолчилик

Гурунг

мактабига хос бўлган 80 га яқин шакли, 200 га яқин турфа хил нақшларни қайта тиклаганмиз. Буларнинг негизиде бобомиз чиғиб қолдирган нақш ҳамда шакллар 80 фоиз пойдевор вазифасини ўтаган, десам адашмайман. Унгача 5 та устахоналари бўлган. Ибодулла Нарзуллаевнинг охириги устахоналари 1976 йили қурилган. Бобомнинг устахонаси — уй-музейини қўлдан келганча сақлашга ҳаракат қилганмиз. Бобом икки уруш ораси — очарчилик кезларида жуда қийин вазиятда фаолият олиб борганлар. 1987 йили оламдан ўтганлар. Уларнинг бир гаплари доимо ўғит бўлиб келган. Улар дадамга айтган эканлар: "Болам бир кун келади, шу буюмларни, шу хунарни сўраб келадиганлар топилади ва шу сўраб келувчиларнинг сон-санови бўлмайди", деганлар. Энг ачинарлиси, 1953 йилгача Гиждувоннинг ўзида 41 та устахона бўлган, ўша даврдан фақатгина мана шу устахона бобом туфайлигина сақланиб қолган, холос. Чунки ўша пайтда шахсий устахоналар мумкин бўлмаган.

...Пишириш жараёнида тутун ҳосил бўлади. Бобом кўп жой алмаштиришга мажбур бўлганлар. Бу мактабни, устахонани ҳам сақлаб қолгунга қадар не-не машаққатларни кўрмаганлар.

— Шогирдларингизни қай тарзда имтиҳон қиласиз? Устози сифатида уларнинг эртаси ҳақида нималарни ўйлайсиз?

— Бизда хуна ўрганаётган шогирдлар ўзларининг ясаган буюмлари, уларнинг харидорлиги ҳамда ўзига хослиги билан имтиҳон қилинади. Ўйини, лойдан барпо қилинган буюм ҳақиқий санъат асари бўла олиши керак. У ҳар бир кўрган инсонда ҳайрат, жозоба, қизиқиш уйғоти-



ши, унга гўзаллик улашиши лозим. Ҳақиқий баҳони биз эмас, харидор беради. Лекин санъат асарини ҳар ким ҳам тушунавермайди. Балки йиллаб топилмас, аммо кун келиб у ўзининг баҳосини топади. Япония, Франция, Германияда бўлганман. 2014 йили Португалияда бўлиб ўтган танловда катнашиб гран-при соҳиби бўлдим. Бизга шунчалик йўллар очиб берилганки, ёшларимиз шу илм, хуна ўрганишни кам қилмасалар, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайдилар.

Нилуфар АХМЕДОВА



БИНО - "иморат", "қурилиш" маъносини англатган "бино" сўзининг туб илдиизи арабчада "қур", "ярат" деган маънони англатган. Бирок, "бино бўлди", "ўзига бино қўйган" каби иборалардаги "бино" сўзининг илдиизи бошқа, яъни "бино қўйган" бирикмасидаги "бино" сўзи "қуриш", "қуришиш" маъноларини англатади. "Бино" сўзининг "ўткир кўзли", "зийрак" деган маънолари ҳам бор.

Шаҳри аро бўйла
бино беҳисоб,
Қалъасининг ташида
худ не ҳисоб.
Алишер Навоийнинг
"Ҳайратул-аброр"
достонидан

Номаки, саводи нуқта-
сидин оқарган кўзга
мардуми бино кетургай.
Алишер Навоийнинг
"Муншаот" асаридан

ҚУТБ — Ернинг фаразий айланиш ўқи билан ер сирти кесишган икки нуқтанинг ҳар бири тилимизда қутб деб аталади. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "қутб" сўзининг туб илдиизи "йиғди" деган маънони англатган. Дарҳақиқат, икки қутб орасида ҳамма нарсаяйғилади. Шунингдек, энг улў кишилар ҳам "қутб" деб аталганлар.

Шимолий қутб. Жанубий қутб. Қутб юлдузи. Қутбул авлиё.

ҚУТИДОР — ўтмишда мол-дунёси кўп бўлган, йирик бойлар ва сармоядор кишилар "қутидор" деб аталганлар. Бу сўзнинг туб илдиизи "қути эгаси" деган маънони билдиради. Шунингдек, ўтмишда олиқ-солиқлардан тўпланган пулларни қабул қилиб олувчи, сақловчи ва хазинага топширувчи амалдор ҳам "қутидор" деб аталган.

Яна Ҳиротнинг донгдор қутидор боёнлари-дан бир нечасини.. қутиб туришганини кўрди.

Ойбекнинг "Навоий"
романидан

— Ахир қутидор ҳам бообрў одам-да, — деди биринчи киши.

Абдулла Қодирийнинг
"Ўтган кунлар" романидан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Оила — муқаддас даргоҳ. Унинг бунёдкорлари бўлмиш ота ва она мансабидаги улуг зотлар кўйган пойдевор, яратган қаср эса ҳамisha эъзозга лойиқ бўлиши лозим.

Бунда, аввало, оила устун ҳисобланмиш оталарнинг ўрни бекиёсдир. Тарих ҳар бир кунимизни бағрига оларкан, кеча ва бугуннинг тафовути яққол намоён бўлаверади. Бу назаримда, оиладаги ота ва онанинг ўрнига ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгандай. Бугун биз фикр юритмоқчи бўлганимиз ҳам отанинг оиладаги мавқеи ва ўрни хусусида. Кўрганларимиз, эшитганларимиз бу мавзуга янада ойдинлик киритар.

ечимини осонгина онамга юклайди.

Дадам билан маслаҳатлашсам, «онанга қулоқ сол, у нима деса шу» дейди. Шундай вақтларда отанинг қатъий сизилигидан ўқиниб кетаман.

Мадинахон ЭГАМОВА, Андижон шаҳридаги «Шифокор» МФЙ котиби:

— Оилада ота тарбияси алоҳида ўрин тутати. Ажралишлар бу борада жиддий муаммо келтириб чиқариши табиий. Негаки, ажрим туфайли кўп ҳолларда бола тарбиясидаги «ота» деган жой бўш қолади. Бунинг натижа-сида жамиятимизнинг қай-

Мулоҳаза

ўғил, бир қизим билан ота уйимга қайтиб келганимда, фарзандларим ҳали бола эди. Қизимни узатдим, ўғлим олий ўқув юртида ўқийди. Қизим келинлик либосида оstonамдан кетаётганида ўқсидим. Сабаби, ота дуосини ололмади. Фарзандга барибир ота керак экан. Ёлғиз яшаб буни кўп бор ҳис қилдим. Тўғри, фарзандларим моддий томондан камчилик билмади аммо улар қалбидаги бўшлиқни дўстлари, дугоналарининг дадаларига ҳавас билан қараганларида, юрак-юрагимдан сезганман. Улар учун ҳеч нарса ота ўрнини босолмаслигини англаганман. Ўғлим ҳам кўп муаммоларини менга айтолмади. Шундай вақтларда «отаси

“ИСМИМ УМИД, КАСБИ-КОРИМ САРТАРОШ”

Сартарошлар дидли бўлишга, озода юришга чакиради. Шундай экан, уларнинг ўзлари аввало, дидли, эътиборли бўлмоғи, ўз касбига масъулият билан ёндашмоғи лозим. Тошкент вилоятилик Умид Абдуллаев ҳам ушбу касбнинг этакини тутган.

етиштирган бўлсам ҳам.


Инсон изланишдан тўхтамаслиги лозим, айниқса, ушбу соҳа вакилларида бу жуда тааллуқдир. Сабаби мода ва дизайн шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда ўз миқозини лол қолдириш, ҳайратлантириш лозим. Чунки соч турмаклаштиш учун келган киши сартарошдан янгилик кутади.

Замондошларимиз

— Илк бор қўлимга қайчи ва тароқ олиб уйимиздагиларнинг, кўни-қўшнилари сочларини олардим. Аста-секинлик билан бу касбга бўлган қизиқишим орта бошладим ва 2002 йили шоғирдликка тушдим, — дейди Умид ака. — Мана 14 йилдирки, шу касбнинг қозонида қайнаб, унинг баланд-пастига оғир-енгилини кўриб, ўз фаолиятимни Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Баҳор» гўзаллик саломида давом эттириб келмоқдаман. Аллоҳга шукри, касбимдан нолимайман. Унинг ортидан ҳалол меҳнат билан оиланинг кенглигини тўлдираяпман.

У ютуқлари ҳақида гапираркан, бунда аввало, устозлари ва, албатта, оила аъзоларининг ўрни бекиёсдир алоҳида таъкидлади. Юртимиздаги ва халқроқ мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. Шундан бири 2014 йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, ушбу мусобақанинг «Замонавий йўналиши»да 40 та давлат ичида фахрли 4 ўринни қўлга киритган. Шу йил ёзида «Олтин қайчи» номи Россия чемпионатида ҳам иштирок этиб, 1,5 минг иштирокчи ичида 12 ўринни эгаллаган. Мусобақадан сўнг эса Умид Абдуллаевга «Schwarzkopf» компаниясининг Аск академиясида ўқиш таклифи тушган ва у олти ой ўша ерда малака оширган.

— Оиламизда отам ҳам, онам ҳам ўқитувчи. Аммо отанинг ўқитувчилик билан биргаликда санъатга ҳам қизиқиши катта. У рассом. Ҳаётда ёки иш фаолиятимда баъзи муаммо, қийинчиликларга дуч келганимда, устозим ҳам, яқин дўстим ва маслаҳатгўйим ҳам отамдир. Отанинг чизган расмларини кўриб, улардан илҳом оламан. Устоз ва шоғирдлар ҳақида гапирсак, ўзимни ҳалиям шоғирдман деб ҳисоблайман. Гарчи шу кунгача 30-40 га яқин шоғирдлар



— Тик оёқда кун бўйи ишлаганим сабабли кўпроқ оёқлар, бел ва бўғинларда оғриқлар бўлиб туради, аммо бу нарса соч олиш жараёнида сезилмайди, негаки мен завқ билан ўз ишимга шўнғиб кетаман, бу чарчоқлар эса ишдан сўнг сезиладди, — дейди қахрамонимиз. — Соч турмаклаш жараёнида нафақат сочга, балки одамнинг юз тузилишидан торттиб, унинг кийимига мослаб, баъзан иш жойига қараб соч турмага танлаш сартарошнинг асосий вазифаларидандир.

Умиднинг режалари ҳам катта. Аввало, ушбу ниятларга қаттиқ меҳнат ортидан эришиш мумкин.

— Ҳозирда энг муҳим режалардан бири туманимизга аҳоли учун фойдали барча замонавий кулайликларга эга эркаклар ва аёллар гўзаллик саломи очиш, — дейди Умид Абдуллаев.

Юртимизда яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланаётган ёшлар улкан ютуқларга эришмоқда. Буни ҳар соҳада кузатишимиз мумкин. Инсонни улугловчи ва жамиятдаги ўрнини белгиловчи — касбидир. Агар, у касбига меҳр кўйиб, қийинчиликларига чидаб, доимо изланишда бўлса, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши мумкин.

Умид Абдуллаевнинг келгусидаги ишлари, кўзлаган ютуқларига эришишига тилқошмиш.

Ифтихор СИДДИКОВ

ОИЛАНИНГ УСТУНИ КИМ?

ёхуд фарзанд тарбиясида отанинг ўрни ҳақида

Муассархон УМРЗОКОВА, психолог, коллеж ўқитувчиси:

— Тарбияда отанинг роли жуда катта. Эътибор берсангиз, ота устун бўлган оилада улғайган болалар билан она устун бўлган оилада вояга етган болалар ўртасидаги фарқ яққол сезилади. Отанинг даққисидан ҳадиқ туйган ва шу ҳадиқ ортидаги хурмат кўрсонида тарбия олаётган фарзандлар мулоҳазакор, ҳамма ишга сидқидилдан ёндашувчан бўладилар. Бу болалар кейинчалик ҳам оиласига ғамхўр, ота-онасининг қадрига етадиган бўлиб улғаядилар. Ота ўғил учун сирдош, она қиз учун дилдош бўлиши лозим. Отанинг ҳар бир ҳаракати фарзандга ибрат бўлишини унутмаслик керак. Чунки аксар болаларда «отам — менинг идеалим» деган тушунча шаклланиб улгурган бўлади. Шу ўринда бу тушунча болаларда юксак гурурнинг уйғотилади.

Фарангиз УСМОНОВА, ўқувчи:

— Оиламизда ҳамма муаммони дадам ҳал қилади. Ҳеч биримиз уларнинг сўзларини бўлмаймиз. Дадамнинг руҳсати билангина бирор жойга боришимиз мумкин. Оиламизнинг қатъий қонуни — шу.

Дилшод АКБАРОВ, талаба:

— Дадам хорижда ишлагани боис, улар билан кам мулоқотда бўламан. Она билан ҳамма ишни бамаслаҳат қиламиз. Ҳатто, отам олисда бўлса-да, ҳамма муаммонинг

сидир нуқталари, хусусан, одоб-ахлоқ мезонларида ноқислик вужудга келади. Отага бўлган ҳурмат фарзандларда, аввало, ота ва она ўртасидаги ўзаро муносабат, эътибор орқали шаклланиб боради. Жанжалкаш ичкиликка ружу қўйган айримларнинг

«Эртага ота-оналар мажлиси. Шу сафар сиз бора қолинг, дадажон. Ўртоқларимизнинг дадалари ҳар доим келишади...»

фарзандларида (оталари туфайли бўлаётган оиладаги келишмовчиликлар, тинимсиз жанжал оқибатидаги уйдан, ота-онадан зада бўлиш сабабли) атрофдагиларга нисбатан ишончсизлик, меҳрнинг йўқолиши, отадан ҳайиқмаслик ва ҳатто, ёмон кўриш ҳолатлари юзага келади. Шунинг учун ҳам биз «маҳалла — оила — таълим муассасаси» ҳамкорлигини йўлга қўйганмиз. Шу асосда бошқа муаммолар қатори оилада ота-онанинг ўрни ҳақида ҳам тарбиявий ишлар олиб бораёламиз. Бу билан бугунги ёшларимиз онгида оила, ота-онага ҳурмат деган муқаддас тушунчаларни янада мустаҳкамлашга уринаймиз.

Санобархон КАРИМОВА, ўй бекаси:

— Баъзи сабабларга кўра турмушим бузилди. Бир

бўлганида, фарзандларим нигоҳида бекам бахт, қалбида тўқис меҳр, қувонч барқ урган бўлармиди?», дея ўйлаб қоламан.

Дарҳақиқат, оила тарбиянинг, ўзаро ҳурматнинг ўчоғи экан, унда қайнаётган ҳаётнинг гўзал бўлиши учун ота-оналар масъулдилар. Бугун оиласига, фарзандларига етарлича вақт ажратолмаётган оталар эртага ўзларига нисбатан бемеҳр бўлиб улғайган фарзандларидан қадр кутганларида, қандай жавоб оларкинлар?..

«Эртага ота-оналар мажлиси. Шу сафар сиз бора қолинг, дадажон. Ўртоқларимизнинг дадалари ҳар доим келишади...», дея кўзингизга жовдираркан фарзандингизни «онанг боради, вақтим йўқ» дея жеркиб ташлайсиз. Бу билан ўзингизни сиз беҳуда деб ҳисоблаган «юмуш»дан фориғ этасиз. Оилангиз, болаларингиз олдидаги масъулиятдан қочаётганингизни идрок этмайсиз. Бу билан дилбандларингиз қалбида ўзингизга нисбатан бўшлиқ ва ишончсизлик пайдо қилаётганингизни англамайсиз.

Фарзандлар нигоҳида қувонч, юрагида умид яратиш, уларнинг келажагини ёруғ, гўзал ахлоқли қилиш ота-онага айниқса, кўпроқ отага боғлиқ. Оилада ҳеч бир ота ўз ўрнини йўқотмасин. Биз аёллар уларни ҳамisha қадрлайлик. Фарзандларимизга ҳам шуну ўргатайлик.

Зилола РАҲМОНОВА

Куйидаги воқеани эшитгач анчагача таъсирланиб юрдим. Менга бунини яқин дўстим шундай айтиб бердики, борица қоғозга кўчирдим, бу шубҳасиз, унинг маъно-мазмунига дахл қилмайди, деб ўйлайман.

ОРИФНИНГ ХИКОЯСИ

— Асқар қассоб ҳўкизни чошгоҳга етиб саранжомлади; сомсахонага тарқатди, полвон “қиз узатди”га деб олди. Кейин ўзининг чори кўчқорини бўғизлади, унияман ўтказди. Элда тўй-маърака кўп, гўшт қолармиди.

Кеч тушгач, Асқар қассоб гўштхонани ёпиб, уйга кетишга чоғланди. Қумқайроқ, пичоқларни энди латтага ўраб бошлаган ҳам эдики, аёл чакириғидан ўнгланиб, эшик томонга бир-икки одим ташлади.

— Бобоси, бир кило гўшт тортинг! — деди Муқаддас чечачанга осиглиқ чарви ортидан мўралаб.

— Қуни бўйи қаёқда эдинг, келин? — деди қассоб уни койигандек. — Суяги қолди.

— Югур-югурдан қўл тегармиди? Иши қўрғурнинг охири йўқ, Қовласангиз чиқаравари. Тугади деманг, овқатнинг масаллиғини тайёрлаб келганман.

— Шукурда ҳам гўшт бордир?

— У ёққа бориб келгунча... Асқар қассоб кулди:

— Учган-тушгани бор, келин! Яна қовурға гўшт! Бир кило чикмаса, хафа бўлмайсан. Биласан-ку, бизнинг бўрдоқнинг суягиам гўшдай гап. Шўрва қилсанг, бетидеги мойни кўрасан.

Муқаддас чечанинг юзи ёришди.

— Барибир суяги камроқ бўлгани, яхши.

— Овқат суяк билан ширин-да! Таъм беради.

Қассоб қолган қовургани тарозига кўйди; икки палла қимирласа-да, тенглашмади.

— Айтдим-ку, сенга чиқмайди, деб.

— Нега чиқмас экан, ана! Сизга граммгача тенглаш-

камлик қилади-ёв! Юз грамм кўпроқ бўлганда, бола-чақанинг тилига таъм тегарди. Бунини кимнинг оғзидан топанман, ҳайронман.”

У йўлда тўхтаб, Шукур қассобнинг гўштхонаси томонга қадам ташлади-ю, тагин фик-

— деди чечачанга салафанни узатаркан, тўсатдан ҳаёлига келган фикрдан қувонди. — Қассобникидан гўшт узилмайди. Бошқа нарса тухумми ё... уканга айт, хўрозни ушласин!

Муқаддас чечачанни шимариб, қапирни тутди.

Қассобнинг хотини Ойсулув момо кун бўйи меҳмон кутди, узатди. Келин-кўёвнинг чилласи чиққан, келди-кетди кўп. Энди кўрпа тўшаб, ётмоқчи эди, эрининг овози эшитилди:

— Дарров чўзилиб олибсан!

Момо уни қаршилади.

— Келин тушириб, бемалол ўтираманми дедим, қаёқда!

— Тегирмон тош юргиздингми, кундаги меҳмонда! Кўрдингми, кўчқор сени миз чикди. Қолганини кўнчилетарларга тарқатдингми? Муқаддас келин гўшт излаб, тентираб юривди, бермагандирсан!

Момонинг лаблари учди.

— Туёғича тарқатдим, бу сафар...

Унинг гапи тилида қолди.

— Яхши қилсан, қўни кўшни қўй сўйибди, деб эшитса, томоғи тушади.

— Гап сўраб, охиригача эшитмайсан, Муқаддас овсин куруқ қолди.

Бобонинг пешонаси тиришди. Кроватнинг бурчагига ўтирди.

— Оббо, аввал гўштни бўйиб, кейин тарқатмайсанми?

Момо тўнғиллади.

— Меҳмон келувди, нима, тишининг ковагини сўриб ўтирадим?

Асқар бобо белбоғини ечиб, хотинига узатди.

— Раҳматга айт, Шукурнинг гўштхонаси очиқ, бориб келсин.

— Ҳали даладан қайтмади, уям барибир чарчаган. Кўчама-кўча ярим оқшом гўшт излаб юрмайди-ку, энди!

— Сен нимани биласан, меҳмон келса уялиб ўтирмайлик. Ўзим бориб келаман.

Момони ўй тутди.

Бобо чарчаган эса-да, аллақандай ғайрат билан дарвоза томон юрди.

— Чой қўйсин, келинга айт.

Шу пайт дарича ғийқиллаб, бир қора кўринди.

— Момоси оёқ узатиб ётибдими, дейман?

Муқаддас янга кроват томон келаверди; қўлида кастрюль, лаган устма-уст қўйилганди.

— Нима ташвиш, келин? — сўради бобо.

Муқаддас янга момо билан кўришди.

— Тўйга ҳормага келганим йўқ эди, шунга?

Бобонинг негадир юзига иссиқ қон югурди. У секин изига қайтиб, пул тугилган белбоғини очиб, ип ўралган бир даста беш юз сўмликни олди-да, кўчага ошқиди.

— Товуқ шўрвадан ичиб кетинг, бобоси! Иссиғида яхши-да!

— Бу овқатинг совуса яхши-да, келин! Дарров қайтаман, кетмай тур!

Шундан сўнгра қассоб тўғри нариги қассобхона томонга жўнади: ярим оқшомда бир амаллаб гўшт қидириб келадди, лекин ҳамма унинг гўшт излаб юрганига ҳайратланарди. Ўзи қассоб бўлса. Бу ёғи энди, ўзбекчилик-да, шундай қилмаса, бу урф — қассобнинг кўнгилетарларига илинадиган доимий ушури тугайдими?.. Йўқ, унинг кўнглида олдиндан ҳиммат туйғуси шакланган эди...

Олимжон ЖУМАБОВ

Ўзбеккона



Ҳиммат

маса, беҳисоб. Бераверинг! — деди бўйинини чўзиб янга. — Кеч қолиб кетмасин.

Бобо гўштни тезда салафанга солиб, Муқаддас чечача узатди.

— Темир дафтарингизга ёзиб қўйинг! — деди у қилиб.

— Ҳа, бунча қавоғингизни уйдингиз, кўчиб кетаяпмизми, берамиз.

Асқар бобо қўлини докага артди.

“Оббо, сал кам бўлди-да! Меҳмонга бораман, дедими? Ярим оқшом кимнинг кўзи учиб турибди. Доим шу, кеч тушгач келади...”

Муқаддас чечача шошиб кетаркан, ҳаёлидан ўтказди:

“Ҳам ошга, ҳам кўргалига

ридан қайтди.

Дарвозадан ичкарига ҳатлаганида, тўнғичи Ойдин қозон бошида тимирскиланиб юрар, ўчоққа ўтин қалаб, аланглаб кўчага қараб кўярди.

У онасига кўзи тушгач, чопиб келди:

— Сиз кетгач, дугонанинг кига чиқувдим, топилди. Ўшани амалладим.

Муқаддас чечача ажаблاندек сўради:

— Қоқдек қотиб кетмаганми?

— Бобомникидан берган экан...

— Ҳа, ўтган сафар бизга берувди, бу гал дугонанга...

Қишлоқда нечта уй бор. Ўх-ўх, унга ўнта кўчқор ҳам етмайди. Ҳа, барибир ўзимизники-да. Кўрқанидан эмас, сийлаганидан беради,

Унутилмас удумлар

СОВЧИЛИК

Совчилик тўй масаласидаги энг катта масъулиятли вазифа ҳисобланади. Икки ёшнинг боши қовуниши, турмуш қургандан сўнгра бахтли яшаб кетини, қуда-андалар ўртасида илқ муносабатлар ўрнатилиб, қардошлиқ ришталари боғланиб кетинида совчининг ҳиссаси катта. Шу боисдан халқимизда азалдан совчиликка эл орасида обрў-эътибор қозонган, ҳалол ва пок, одамлар ганига қулоқ солиб юришга юрадиган одамлар танланган. Дуч келган одамнинг совчиликка бораверини қатъиян маъ қилинган. Негаки, бундай одамнинг совчиликка бориши келин томонининг нафсониятига тегини мумкинлиги эътиборга олинган.

Келин томондан тўйга розилик берилса, совчиларга тўй кийдирилган. “Ўткан қулар”да Отабек помидан Қумушнинг қўлини сўраб келган Зиё шоҳчи ва Ҳасаналига Қутидор заррин тўшлар кийдириб қузатгани айтилган.

Рўмол ўратар — халқимизда азалдан урф бўлиб келган одатлардан бири.

Бу одат икки ҳолатда қўланилади: биринчиси, бир кишининг кўзга яқин қизи бор. У кун сайин чирой очаётир. Аммо қиз ҳали фотиҳа ёшига етмаган.

Лекин унинг ҳусну таровати эл орасида дoston бўлиб бораётир. Шунда қизни кўз остига олиб юрган томон бошқалардан қизганини боис унинг ота-онаси билан маслаҳатлашиб қизга рўмол ўратиш кетади.

Мифологик тасаввурга кўра бошпа эгаллик қилиш ўша инсоннинг руҳига эгалик қилиш билан баробар ҳисобланган. Яъни бошига рўмол ўралган қиз бошқа бировга кўнгил қўймайди. Чунки у бировга аталган, унинг ихтиёри ўзида эмас, негаки, руҳи ўзи аталган томон тарафидан эгалланган, деб ҳисобланган.

“Алпомиш” дostonида ҳам Барчиной шу ниятда сўралади:

Боши бўшми дейин сендан сўрайин,
Келин қилиб, бирор рўмол ўрайин.

РЎМОЛ ЎРАТАР



Иккинчиси, йигит ва қиз бир-бирига кўнгил қўйган. Аммо йигитнинг ота-онаси

фотиҳа тўйи ўтказишга ҳам қодир эмас, лекин улар шу қизни келин қилишни истайди. Қиз томон ҳам ёшларнинг бошини кўнишни хоҳайди. Шунда орадан муайян вақт ўтказиш ниятида қизга рўмол ўралади.

Бундан мақсад — келин тараф қув тарафининг кейинроқ тўй қилиш шартига рози. Аммо уларнинг илтимоси билан бошқа совчиларга рад жавоби бериб юборилчак, булар гапидан қайтиб қолмайлими, рўмол ўратиш ана шунинг кафолати вазифасини ўтайди.

Дамин ЖУМАҚУЛ



УЛЛИБИНИНГ УМРБОҚИЙ ҚЎШИҒИ

ёхуд Коммуна Исмоиловани ҳаётга қайтарган оят

Қадимий Хива азалдан шоирлар, созандаю хонандалар диёри. Эл ардоғидаги санъаткор Коммуна (Уллибиби) Исмоилова ҳам Хоразм фарзанди эди. Булбулга ўхшарди овози. Унинг “Ўғлима ўхшийди овозинг сани”си қулоғимиз остида мунгли жаранглайди. Халқ қалбидан ўчмай яшаб келаётган, қайта-қайта янграб турган дардли, фусункор, жозибатор тарона. Онаизоримиз дил ноласи! Ўғилларининг йўлига кўз тиккан, интизор кутавериш кўзлари хиралашган қанчадан-қанча оналаримизнинг ҳижронига малҳам бўлган жонбахш кўшиқ. Умрбоқий кўшиқ!

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан қўламаган қоразмлик санъаткор борми?

“Ошиқ Ғариб ва
Шоҳсанам...”

Шоҳсанам ва Ғарибнинг қайноқ ҳис-туйғулари, ҳажр оловида ёнишлари Коммунахонимнинг ҳам оташин тараннумларига кўчи.

... Ун тўрт ёшида

Тошкентга келган қизалоқ устозлар ўргатган ҳар бир сабоқни кунт билан ўзлаштираётганди, уруш бошланди. Устози Ғавҳар Раҳимова раҳбарлигида хотин-қизлар концерт бригадаси тузилди.

Шу бригадада Коммуна фронтга отланди. Ҳарбий касалхоналарда кўшиғи янграган, беҳол ётган ярадорларнинг кўзи чараклаб очилар, мўъжизакор оҳанглар унутилган завқ ва табассумни дилларга, лабларга қайтарарди.

Жисму жонни мажруҳ этган машъум Иккинчи жаҳон уруши ҳам ниҳоялаб, мамлакат осуда нафас олмоқда. Лекин асорати...

Фронтга отланган йигитларимиздан ким қайтди, ким қайтмади.

Эндигина барпо этилган Навоий театрида катта концерт. Коммуна ўша — “Ўғлима ўхшийди...”ни бошлаган эди, залда йиғи эшитилди. У куйлар, зал йиғлар эди.

Икки кун давом этган концертда қайта-қайта айтиришди бу кўшиқни. Матн ва мусиқани устози Комилжон Отаниёзов ёзиб берган эди.

Устозидан бир умр миннатдор бўлиб яшади Коммуна опа.

“Ўғлима ўхшийди...”

Меҳри дарё аёл умрининг охиригача қўлади бу кўшиқни. Йиллар ўтар, сатрлардаги сўзларнинг дарди соз пар-

даларига кўчаркан, “Ўғлима...”, назаримизда, авлодлардан авлодларга янгидан сайқал топиб етиб бораётганди туюлаверади. Бу кўшиқ қанчадан-қанча юрагида дарди бор оналарнинг нолишига кўшилиб кетди, оталарнинг кўз ёшига сабаб бўлди.

Ёшларни ҳам сел қилиб юборганди Коммунахонимнинг кўшиғи. “Ўғлима...” радиода янграган, Ҳакимжон исмли бир йигитнинг юрагига ўт

Ҳаётнинг Коммунахонимга, Коммунахонимнинг ҳаётга ҳали кераклиги яққол билинди. У қайта турмуш қурмаган бўлса-да, бахтини ягона қизининг гўзал ҳаётида кўрди.

тушди. Ижрочини сўроқлаб радио идорасига борди. Лекин Коммунахонимнинг аниқ бир манзилни ҳеч ким айтолмасди — кўшиқчи қиз бошпана қидириб юрган пайти эди.

Коммунахоним излаб топган Ҳакимжон Файзиев санъатга алоқадор оиланинг фарзандилигиданми, уни кўча кўйда сарсон бўлиб, ижарага уй қидириб юриш ташвишидан халос қилмоққа тиришди — тўғри уйига олиб келди. Уйдагилар яхши кутиб олишди қизни. Шу-шу, кўшиқчи қиз Ҳакимжонларни киди ижарада турди.

Коммуна бир кун ижара ҳақини тўламоқчи эди Ҳакимжон:

— Олиб қўй, — дея қўлини қайтарди.

— Нега?

— Шу кундан бошлаб...

1948 йилнинг

августидан бошлаб
Коммуна оила аъзосига айланди — уйдаги

сулув Ҳакимжоннинг қисматдоши, ҳаётининг зийнати бўлди. Севишиб турмуш қурган ёшлар бир неча йил бахтиёр яшадилар. Ҳакимжоннинг ҳам яхши овози бор эди. Эр-хотин бирга дуэт ҳам қуйлаган.

Коммуна “Хумор” ашуласини дилдан қуйлаб юрган пайтлар қиз кўрди, исмини Зулхумор қўйди.

Оиладаги осойишталик, афсус, узоққа чўзилмади — бинойидай яшаб келаётган эр-хотиннинг турмушига кўз тегди.

Бобою бувиларимиз айтганларидек, амал-тақал билан қурилган оила ҳодада турган чайлага ўхшайди — биринчи шамолдаёқ қулаб кетади. Рўзгорнинг эса шамоллари бор. Қаттиқ бўронлари бор!

Ахир, санъатга алоқадор икки вужуд — икки олам қўшилиувидан ҳосил бўлган бу хонадон чин севги асосида қурилмаганми? Ҳаёт деганлари, бир ҳисобда қутилмаган воқеалар мажмуи. Ҳаёлга келмаган ишлар бўлади.

Наилож, охири бахайр бўлмаган “сану ман”лар гоҳида гулдай оилаларнинг ҳам парчаланишига сабаб бўларкан. Ўртадаги ширингина қизалоқ ҳам хонадонни парокандаликдан сақлай олмади. Буни ҳазм қилиш Коммунахонимда жуда оғир кечди.

Март ойининг изғиринли кун. Аёлниң ичу ташини бошқача бир совуқлик қуршаб олган. У тун бўйи алам-изтиробдан тўлганиб чиқди. Тонг отган, куёш чараклаган пайтда ҳам кўз олди зим-зиё. Уйга сизмай кўчага чиқди. Ана, у даҳшатли хаёллар гирдобиде кетиб боряпти. Лекин қаёққа — ўзи билмайди. Елдай учиб келаятган машинага эътибор қилмай йўлини кесмоқчи бўлган экан, чийиллаган тормоз овози эшитилди.

— Жонингдан тўйдингми?! — вақтида тормозни босишга улгурган ва отилиб машинасидан тушган ҳайдовчи дағдаға билан жувонга яқинлашган эди, у:

— Ҳа, тўйиб кетдим, — деди титраб-қақшаб. — Ўлгим келяпти, ўлгим!

— Ўлгинг?! Эсинг жойидами сен хотининг?! Сени деб балога йўлиқсинми бир бечора? Ҳой, эси йўқ, менинг иккита болам бор! — жигибийрон эди ҳайдовчи.

— Узр, ака, — деди бир оз хушини йиғиб олган аёл. — Бировнинг балога қолишини истамасдим мен ҳам. Бехосдан шундай бўп қолди, кечиринг. Мениям болам бор — ширингина қизча, у ҳам кўринмай қолди кўзимга. Яшашни истайман. Иста-

Коммунахоним уйига олиб борган ҳайдовчи китобчасини қўлига олди-да, мўлжаллаган жойини ўқиб беришдан аввал:

— “Нисо” сурасининг 130-ояти, — деди. Сўнгра ўқий бошлади: “Бордию эр-хотин ажралиб кетсалар, Аллоҳ ик-



майман! — жувоннинг кўзларидан ёш тиркираб чиқди.

— Нимага? Нима бўлди? У... қандай мусибат экан, синглим?

Ҳайдовчи аёлни йўл четига олиб чиқди. Мулойимлик билан гапга солди. Аёл не сабабдан бу ҳолатга тушиб қолганини сўзлаб бергач:

— Ҳаммаси шуми? — деди ним табассум билан. — Нима, ажралиш — мусибат эканми? Шундай оғир кун эканми, ажралиш? Ҳой, мен сенга айтсам, мурфак қалбнинг онадан, она меҳридан бевақт маҳрум бўлиши — мусибат! Ёш бир жоннинг ҳаёт билан видолашиши — мусибат! Қолаверса, одамнинг ўз жонига қасд қилиши — оғир гуноҳ! Наҳотки, билмасанг? У бўлмаса, бошқаси-да, синглим! Ёш экансан, ҳаммаси олдинда!

Аёл анча таскин топди. Ҳайдовчи эса вазифамни бажариб бўлдим, дея уни ўз холига ташлаб, йўлида давом этибди — нимадир эсига тушиб қолганди. У (энди “сизлаб”):

— Мен билан борасиз, — деган эди, аёл тараддуллан-ди.

— Сиз билан? Қаёққа? — Уйимга. Китобчам бор, бир жойини ўқиб бераман. Рафиқам билан ҳам танишволасиз баҳонада.

каласини ҳам ўзининг кенг қарам билан беҳожат қилиб қўйган. Аллоҳ фазлу қарам кенг ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир”.

Кейин у аёлга юзланди:

— Эътибор бергандирсиз? Яъни, ҳар иккаласига ҳам аввалги турмушидан яхшироқ эр ёки хотин насиб этиши мумкин, деган маъно яширинган бу ерда. Яна бахтингизни топасиз!

— Раҳмат, — деди аёл таъсирланганидан кўз ёшини тўтолмай. — Ҳақиқатан ҳам фазлу қарам кенг экан Яраттанинг. Вақтида мен гумроҳни сиздай оқил раҳнамога йўлиқтирди. Хато қиларканман, менга ҳаётнинг кераги йўқ, деб.

— Сиз ҳам ҳаётга кераксиз, Коммуна!

Ҳаётнинг Коммунахонимга, Коммунахонимнинг ҳаётга ҳали кераклиги яққол билинди. У қайта турмуш қурмаган бўлса-да, бахтини ягона қизининг гўзал ҳаётида кўрди.

Уч набира (Орзиғул, Гулрух, Гулбека)нинг меҳрибон бувижони бўлди. 400дан ортиқ ашулалар ижро қилди. Хусусан, салкам 70 йил давомида “Ўғлима ўхшийди...”си ўз қадрини йўқотмади. Ўзбек халқининг қалбини забт этган бу кўшиқ умрбоқийдир.

Муҳаммад ШОДИЙ

Устоз шоир Эркин Вохидов: "Истеъдод шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам гавҳар; истеъдод шундай бир зиллол ирмоқки, унинг ҳар қатрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор; истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган гунчасида чаманларнинг бўйи, таровати бор", дея гўзал таърифни келтирган эди. Фарғоналик ёш мусаввир, Санкт-Петербургда бўлиб ўтган "Звуки ва краски белых ночей" фестивалининг гран-при мукофоти совриндори Камронбек Шокировнинг "Шоҳимардон" номи портретини томоша қилиб худди шу сатрлар ёдимдан ўтган эди. Марғилонлик ёш хонанда, Фарғона санъат коллежи ўқувчиси Мухаммадмин Мамажоннов эса Белоруссияда ўтказилган "Золотая пчёлка" халқаро болалар

Кунгилдан кечган гаплар

ларга жуда кўп дуч келамиз. Қофия, вазнда хатолари яққол кўриниб турган шеърларга изоҳ бериб, улғурмасингдан ота-оналар сўзингни бўлади:

— Шу шеърларга ўзингиз сал ишлов беринг... Болам ҳали ёшда, ўрганиб олади...

"Ёш шоир" бепарво. Шеърятдан кўра, уни қизиқтираётган бошқа нарсалар борлиги елиб-югураётган онанинг хаёлига ҳам келмайди. Шеърларни ишлашдан кўра қайта ёзиш осон. Даста-даста мукофотларни қўлтиқлаб келган сингилларимиздан бири ҳам шунга ўхшаш. Соҳаси бўйича билганларидан билмаганлари кўп. "Мени газетага ёзсангиз, телевидение фаолиятини кўрсатув қилиб бўлди.

са? Бу ҳақиқат атрофимиздаги ҳодисалардан бир тасвир. На-чора, инсон қанчалик доноликни даво қилса, у шунча нодон. Донишманд боболаримизнинг хулосалари шундай.

...Ўзини порлок юлдуз ҳисоблаб юрган қўшиқчи билан суҳбат кетяпти. Телевизорни чуқур нафас олиб томоша қилишга мажбурсан. Бошловчининг саволлари шунақанги бўшқи "хеч қаерда қўлланмаган". "Сиз хонандаликдан ташқари актёрликда ҳам кўп мухли топдингиз...", дея тележурналист суҳбатдошига юзланади. "Мен рол танламайман. Хар икки йўналишда ижод қилаётганлар қандини урсин", дейди шоввоз хонанда. Мақтовлардан парвоз қилаётган санъаткорнинг ҳар икки соҳадаги нуқсон томошабинга беш қўлдек аён. Буни ҳис қилса-да, хонанда баттар авжга чиқади. Бошловчида ҳам дадил савол беришга, танқидий фикр билдиришга жўрбат топила-майди. Қобилияти хонандалик ёки артистликка эмас тузуқроқ хунарга яқин бўлса нега биз шунга олишни

истамаймиз? Нима учун қўлашда саводни билмаган яллагини машхурлик самосига кўтаряпмиз? Дилинигизга яқин наволарни кидирмоққа чоғланишимиз истеъдодсизларнинг урчиётгани сабабли эмасмикин, деган мулоҳаза хар биримизнинг онгимизда чарх ургани табиий.

Ёзувчиликка ҳавас қилган фарзандини тўғаракка етакламаган ота, дилбанднинг шеърлари 3-4 та нашрдан чоп этилганидан қувониб юрган она, ёшларга омад тиллаган "совриндор", юлдузлик саманини миниб чопаётган қўшиқчи аслида иқтидор нима эканлигини дўппини бир четга қўйиб ўйлаб кўрсалар кўп ҳикмати тушуниб етарди-лар. Аччиқ ва очик гап ҳам шу. Ҳақиқий иқтидор соҳиблари барибир юзлаб шундай адашганлар орасини ёриб чиқаверади. Бунга мисолларни санаш шарт эмас. Сизу бизнинг кўз ўнгимизда ана шундай ўғил-қизлар камолга етляпти.

Лекин... истеъдодни нима биландир ўлчашга уринаётганлар, айтинг-чи, унинг баҳоси қанча? Уни қаердан, қанчалаб олиш мумкин? Истеъдодни бозорга солганлар битта ҳақиқатни унутмасалар бўлгани: ирмоқларида уммонларнинг қудрати бўлган дарёни тўсиб бўлмайди. Унинг жўшқинлиги истеъдодсизни ҳам итқитиб юбориши хеч гап эмас. Фақат бу гул каби нозик фазилатни вақтида англаб олинса, уни камолга етказилса ИСТЕЪДОД тўфайли бетакрор мўъжизалар тўғилаверади.

Мадаминжон
СОЛИЖОНОВ



ҒАРОЙИБ МАШИНАЛАР

Ҳозирги кунда технологиялар шиддат билан ривожланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ривожланиш автомобил саноатини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шундай экан, истеъмолчиларни оддий машиналар билан ҳайрон қолдириб бўлмайди. Уларни доимо нима биландир лол қолдириш лозим.

Машина ишлаб чиқаришда таникли компаниялардан бири бўлган — Форд компанияси янги талқинларни — улов мол-делларни ишлаб чиқариши баробарида хавфсизлик чораларини ҳам янада кучайтирмоқда. Масалан, баъзи компаниялар хавфсизлик ёстиқлари, кучли урилишда сақловчи ускуналар билан машинани жиҳозлашни афзал билади. Форд компанияси эса янги технологиялардан фойдаланган ҳолда бу муаммага янги ёндашиб ғаройиб "Форд-С" русумли автомобил ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Ўшбу машиналарга махсус ташқи камера ўрнатилади. Бу русумнинг аjoyиб хусусияти шундаки, махсус ўрнатилган камера йўл белгиларидан нусха олиб, белгига мувофиқ ҳаракатланади.

Камера керакли маълумотни олгандан сўнг, агар тезлик йўл белгисига кўрсатилган миқдордан юқори бўлса, моторга ёқилги келиши қамая бошлайди ва шу тарика тезлик йўл белгисига кўрсатилганидек бўлмагунча шу ҳолатда қолади. Бу эса хавфсизлик чорасининг яна бир антиқа кўринишидир.

Ифтихор СИДДИҚОВ тайёрлади.

Ғижимланган пуллар

Тонг саҳарда уйдаги-лар — отам, акам, укам, синглим, янгам билан хайрлашиб бекатга томон юриб бораёпман. Ортимдан мактаб дарвозасига чанам эргашиб келди. Эғнида эски чопон, бошига рўмол чан-диб боғлаган. Совқотгани учунми, титрайди. Ўқийш қийнамаётгани, деб сўраб қўяди ва ода-тий саволини беради.

— Қачон келасан, болам?

— Байрамга...

Онамнинг оғир хўрсингани сезаман.

— Тез-тез келиб тур. Кеча пенсиямни олувдим. У-бу жойга ишлатиб, орттирганим шу бўлди.

Онам қўлимга ғижимланган пул тутқазди. Керамас деганимга ҳам эътибор қилмади.

— Ишлатасан, дедим-ку.

Бор-йўғи етти минг сўм. Йўл пули. Менимча, мана шу пуллари тўрт-беш ойдан бери йиғилган. Сабаби, қишлоққа келганимга шунча пайт бўлибди. Онам бечора-ей, буни нега менга бераркан,

бошига рўмол, эғнига янги қўйлаб, анови хотинларга ўхшаб, янги маҳси-кавуш олса бўлмайди...

Хайрлашишдан олдин доим алқайди: «Икболинг баланд бўлсин».

Орадан яна тўрт-беш ой ўтиб кетди. Яна ўқишдан уйга отландим. Хар гал бекатда автобусдан тушишим ҳамонқо шотерак соясида йўлга кўз тикиб ўтирган онамни кўрардим. Аммо... уйга шошилдим.

Онам даҳлизда ётган экан, овозимни эшитиб секин бошини кўтарди.

— Кел, болам. Қишда со-вукда юриб, шамоллабман-да, ҳалиям асорати кетма-пти. Эсон-омон келдинг-ми?

Пулдан қийналмадинг-ми?

Чўнтагимни ковладим. Онамнинг ғижимланган пулларини ҳали ишлатмагандим.

— Йўқ, — деб бош тебрат-дим.

Онам жойидан кўзгалди.

— Уч-тўрт кун уйда бўла-санми? Эрта-индин пенсиям келади...

О. ЖУМАОБОВ

Ўзбекистон Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш Ассоциацияси жамоаси Самарқанд вилояти бўлими раиси
Зоҳир Муҳитдиновнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“ТЕЛЕВИДЕНИЕ КЎРСАТУВ ҚИЛДИ. ЭНДИ ГАЗЕТАГА ЁЗСАНГИЗ...”

ижодиёти фестивалида "Якка бу Фарғонада" мақомини маҳорат билан қўйлаб хорихчиликларни лол қолдирибди. Уларнинг зафарларидан қувонамиз. Бу каби укажонларимизни, тенгдошларимизни фақатгина кутлаш керак.

Аммо дилимизни тирнаб ўта-диган баъзи ҳолатлар ҳам бор. Хатларни ишлаш билан оввора эканман, тахририятга ўз юмуши билан келган киши фарзанди ҳўқоя ёзишини, газетада чоп эттириш мақсади борлигини қўн-чаклик билан гапирди.

— Яхши ёзилган ҳўқоя — энг ўқишли материал, аслида. Ихлос-манди ҳам кўп. Фарзандингиз бу борада кимдан маслаҳат олади, — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Шунчаки... қоралаб юра-ди, ҳали унақа тўғаракларга кат-намаган.

— Газетада ҳўқоялар бериб тура-миз. Агар иложи бўлса, кизингиз ижодий ишларини ёзувчилар уюшмасига бирров олиб борсин. У ерда ёш наср-навислар кўп. Устозларнинг мас-лаҳати ҳам керак-ку. Ундан сўнг тахририятга олиб келса, алиб-та, чиқарамиз. Ижодий иш ҳам назаримда, шунда анча пиш-қиб бўлади, — дедим истихолок билан. Суҳбатдошимга сўзим бо-шқачароқ таъсир қилди:

— Демак, сизларда цензура бор экан-да. Хизмати бўлса, ай-таверинг...

— Сиз мени умуман тушун-масиз. Истасангиз, бош муҳар-рирга ўзингиз учрашинг, — дея ишмин давом эттиришга туш-дим. Очиғи, жаҳлим чиқди. "Пишиқ ҳўқоя"нинг ҳўмийси бошқа қайтиб келмади.

...Афсуски, бу каби ҳолат-

Дарвоқе, бу дипломлар ютуқла-рининг ҳаммаси эмас!.. Тааж-жуб, бугун айримлар учун мақ-танчоқлик фазилатга айланган-ми, дейсиз. Телевизорда бур-ро гапирётган бошқа бир тенг-дошимизнинг интервьюси ҳам азбаройи ёдлаб олинган гап-лар: "Танловда голиб бўлишни кутмаган эдим. Истеъдодимни жуда юқори баҳолашди. Меҳнат қилиб, кам бўлмадик. Барча ёшларимиз мен каби интилиб, ютуқларга эга бўлишини истар-дим". "Голиб бўлишни кутма-ган йигит"нинг сўзларини тинг-лаб, ибрат олиш нарёқда тур-син, унга нисбатан бекорлар-нинг бештасини айтибсан, де-гингиз келади. "Меҳнат қилиб кам бўлмаган" йигит 50 йиллик таърибга эгасидек, тенгқурлари-га омад тиллагани ҳам кулгили.

Қобилият йиллар давомида шаклланади, сайқал топади. Бироқ бу қобилиятни нафис ни-ҳолдек синдириб юбориш ҳам хеч гап эмас. Маҳоратли доира устасини болагимдан била-ман. Қанча хонандалар у билан ҳамкорлик қилишни истарди. Атрофдагиларнинг ўйламай сўзлаганлари унинг иқтидори-ни яқсон қилди. Ётук доирачи энди санъатга меҳрни қадаҳ кўтариб изламоқда.

...Тўртинчи китобини нашр-га тайёрлаётган шоиранинг мисралари жуда жўн. Муаллиф-нинг айтишича, китоблар чоп этиш унга танловларнинг голиб-би бўлиш учун керак. Савиясиз тўпламларни қайси китобхон мутолаа қилади? Ижодкор ўз асарининг чанг босиб ётиши-дан, мухлисларни бездириши-дан наҳотки изтиробга тушма-

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жағмармаси) ва "Соғлом аялол учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ
Мусаххихлар — Саидгана САЙДАЛИМОВ,
Қамола АДАШБЕКОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-ракам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6533. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

123 5